

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 15 (1236) 2019-yil 12-aprel, juma

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель кuni Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда бўлиб турган нуфузли делегацияни самимий кутлар экан, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

Жорий йил март ойида Абу-Дабий ва Дубай шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди.

Ташриф якунида муҳим келишувларга эришилди, жумладан, иқтисодийнинг туризм тармоқларида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама саломли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Уларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли "Йўл харитаси" қабул қилинди.

Қабул давомида давлат ташкилотлари, илмий марказлар, етакчи компания ва корхоналар, банк-молия институтлари даражасида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви ва инновацион ривожланиш со-

ҳасидаги илғор тажрибасини жорий этишда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз экспертлари ҳамкорлигида устувор йўналишларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича аниқ тақриплар тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Вазир самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Абу-Дабий Амирлиги валяҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондониди ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳоқими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мақтумнинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Муҳаммад ал-Қарқовий Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилган кенг қўламли янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолаб, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятининг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҚШНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ЯРАШИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель кuni мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзодини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, очик мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланиётганини алоҳида қайд этди.

Тури даражадаги фаол мулоқот, конструктив сиёсий ҳамкорлик, парламентлараро изчил алоқалар, янги қўшма савдо ва инвестиция лойиҳалари, кенгайиб бораётган гуманитар алмашинув – буларнинг барчаси Ўзбекистон ва АҚШ стратегик шериклигида янги давр бошланганидан далолат беради.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни ҳал этишда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболларига баҳо берилди.

Президентимиз Ўзбекистон Афғонистон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда барқарорлик ўрнатилиши ва иқтисодий кайта тикланишига амалий хисса қўшиш тарафдори эканини таъкидлади.

Афғонистонда тинч сиёсий жараёни бошлашда афғон халқининг бош ролини назарда тутиш ҳолда халқаро ҳам-жамият савий-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Залмай Халилзоид самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннат-

дорлик билдирди ҳамда Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ва Давлат котиби Майкл Помпеонинг саломини етказди.

Махсус вакил мамлакатимизнинг Афғонистон халқига ҳар томонлама, жумладан, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш орқали ёрдам беришга қаратилган сиёсатини юксак баҳолади.

АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик музокара-рига қўмаклашиш борасидаги конструктив савий-ҳаракатларини, хусусан, Афғонистон ҳукумати вакиллари иштирокидаги мулоқотнинг навбатдаги даврасини Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш таъкидлади.

Бундан ташқари, жорий йилда Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича саккизинчи Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (RESCA VIII) вазирлар учрашу-вининг ўтказилиши қўшни дав-латларга Афғонистоннинг тинч ривожланишига қўмаклашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича стратегияни ишлаб чиқиш имконини беради.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинч-лик, барқарорлик ва изчил та-раққиётни таъминлаш мақса-дида Афғонистондаги вазият-ни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайти-ришга тайёр эканини қайд эт-дилар.

ЎЗА



“Аҳмад ал-Фарғоний авлодлари”

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ташкил этилган нодавлат таълим муассасаси ана шундай номланди

Маълумки, 2017 йил 15 сентябрда Президенти-мизнинг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганди. Мазкур қарор мамлакатимизда таълим тизими равангага қаратилган юксак эътибор самарасидир.

Юқоридagi қарор олтиариқлик тажрибали педагог Умида Мирзохидовага қанот бағишлади. Муқаддам тумандаги коллеждардан бирини бошқарган У.Мирзохидова

кўпдан буён вилоятлар марказлари ҳамда пойтахтимиздаги ихтисослашган муассасалардан кам бўлмаган мактаб ташкил қилишни орзу қилиб юрарди.

7-БЕТ



ЭЪТИБОР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 19 март кuni ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

3-БЕТ

Бўстонликлар кўнглини обод этган беш ташаббус



Ўз ҳисобидан ГАЗ БАЛЛОН ТЎЛДИРАЁТГАН БОҒЧА ОПАЛАР

Мактабгача таълим муассасаларида тўғри овқатланишни ташкил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ўтган йили соҳада қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Овқатланиш билан боғлиқ санитария қоида-си ва меъёрлари ўзгарди. Таомномага киритилган маҳсулотлар тури қисқарди. Бу борадаги ишлар Жомбой туманида қандай кечаётганлиги билан танишиш мақсадида, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Мактабгача таълим — кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини” лойиҳаси доирасида тумандаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини жамоатчилик назорати тартибиде ўрганиш, бу ўзгаришлар қандай самара бераётгани билан қизиқдик.

ОЧИГИНИ АЙТГАНДА...



Таом тайёрлашда суолтирилган газ муаммо бўлаётгани алоҳида масала. Ошпазлар суолтирилган газдан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Қизиғи, уни ҳеч ким тўлдириб бермайди. Харажатлар сметасида бу ҳисобга олинмаган. Шундай бўлгач, боғча ходимлари чўнтагидан пул сарфлаб, газ баллонларини тўлдиришга мажбур бўлишмоқда.

5-БЕТ

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2019 йил 14 апрель кuni икки кунлик давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Давлат раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Қозоғистон Президенти лавозимига киришгандан сўнг илк бор учрашадилар.

Тор ва кенгайтирилган таркибда ўтказилиши режалаштирилган музокара-ларда икки томонлама дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинади, сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилади.

Президентлар минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашади.

Давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланиши кўзда тутилган.

Президентлар қўшни қардош мамлакатда муваффақият-ли якунига етган Ўзбекистон йилнинг мантиқий давоми бўладиган Ўзбекистонда Қозоғистон йилнинг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этадилар. Мазкур йил тадбирлари Қозоғистон санъат усталарининг концерти билан бошланади.

ЎЗА

ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ХАЛҚ СЎРОВИ

Миришкор туманида Вазирлар Маҳкамаси қарори нега ижросиз қолмоқда?

Аввал хабар берганимиздек, Қонунчилик палатаси депутатларининг жорий йил 27-30 март кунлари ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу жараёнларда бир қатор муаммоли масалалар аниқланган эди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Жамшид Пирматов томонидан Миришкор туманида олиб борилган ўрганишлар давомида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 29 октябрда қабул қилинган “2018-2019 йилларда Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги қарорнинг айрим бандлари ўз вақтида бажарилмаётганлиги маълум бўлди.

3-БЕТ

Сўровларга эътиборсизлик қилаётган мансабдорлар жазоланиши шарт

Бугунги кунда Олий Мажлиснинг ва ҳудудларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишлар сезиларли даражада фаоллашмоқда.

Айниқса, маҳаллий Кенгашларда депутатлар маҳаллий бюджетни тасдиқлаш, унинг ижросини назорат қилишдан тортиб, ҳудуддаги энг долзарб масалаларни бевосита маҳаллий Кенгашлар сессияларида кўриб чиқиб, ҳал этмоқда. Шу билан бирга, сессияларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, таълим каби муҳим соҳа раҳбарларининг ҳисоботларини доимий равишда эшитиш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси депутатлик корпусининг фаолиятини тубдан ўзгартириб, қонунчиликда белгиланган ваколатлардан унумли фойдаланиш самарадорлигини оширмоқда.

4-БЕТ

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда


Мазкур ташаббусларни амалиётга жорий қилишга қаратилган ишлар мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бошлаб юборилди. Жумладан, Тошкент вилояти Бўка туманида ҳашар, маданий-маърифий тадбирлар, китоб ярмаркаси ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарлари У.Мухаммадиев, Қ.Куронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф.Маҳмудов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир-ёзувчилар, ёшлар иштирок этди.

Ёшларнинг вақтини маъмули ўтказиш учун маданий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари, спорт тўғрисидаги китоб дўконлари, "Book safe"лар ташкил этиш, кутубхоналар фондиди янгилаш, уй бекаларини тикув цехларига жалб қилиш каби вазифаларни сифатли амалга ошириш, бу борадаги концепция ва таклиф этилаётган ҳар бир лойиҳани амалиётда самарали қўллаш мақсадида Бўка тумани таж-



Бўстонликлар кўнглини обод этган беш ташаббус



ЎЗА фотолари

риба-синов тариқасида танлаб олинди. Айтилган бўлса ҳам, бу ерда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда туманда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами ва молиялаштириш манбалари аниқланиб, Бўстон, Ровот, Чавалисой ва Янгиқўрган маҳаллаларида улкан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Таъкидланганидек, туманда ёшлар билан ишлаш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд. "Боланинг бўш вақти — душманининг иш вақти",

деб бежиз айтилмаган. Президентимизнинг ташаббусларини тизимли ва самарали амалга оширишда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз, ёш йигит-қизларимизнинг китоб ўқишга, спортга, санъатга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашимиз, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб беришимиз даркор. Чунки китоб ўқиган, санъатга ошно ёшларимизнинг ҳаётга бўлган қарши, Ватанимиз тараққиётидаги ташаббуслари ўзгача бўлади.

Тадбир доирасида Бўстон маҳалласи ҳудудида жойлашган «Бўстон» маданият уйи биноси, 160 ўринли томоша зали таъмирланаётди. Маданият уйининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 10 дан ортиқ бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашимиз, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб беришимиз даркор. Чунки китоб ўқиган, санъатга ошно ёшларимизнинг ҳаётга бўлган қарши, Ватанимиз тараққиётидаги ташаббуслари ўзгача бўлади.

Бўстон маҳалласида 3 минг 300 дан зиёд аҳоли, жумла-

дан, 1000 га яқин меҳнатга лаёқатли хотин-қиз истиқомат қилади. Айтилган бўлса ҳам, бу ерда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шуларни назарда тутасан, қишлоқда ташкил этилаётган 200 ўринли янги тикув цехи аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканини англаймиз. Тикув цехида иш 2 сменада ташкил этилиши ҳисобига яна шунча хотин-қизни мутахассис сифатида қайта тайёрлаш режалаштирилган.

Маҳалла аҳли, шунингдек, ёшлар, кўшнни туман ва шаҳарлардан келган кўнглилар томонидан маҳалланинг марказий кўчаси, истироҳат боғи, маданият саройи ва стадиони ободонлаштирилиб, гул ва дарахт кўчатлари экилди. Марказий кўча асфальтланди.

Тадбирлар доирасида Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан туман ёшлари учун 18 мингдан ортиқ нусхада китоб, бошқа қатор ташкилотлар томонидан замонавий спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари совғат қилинди.

Ёшлар билан учрашувда шоир-ёзувчилар, профессор-

ўқитувчилар, маданият ходимларидан иборат тарғибот гуруҳи ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Етакчи наشريётлар томонида арзонлаштирилган китоб ярмаркаси, спорт мусобақалари ўтказилди.

Ўқувчи-ёшлар билан ўтказилган давра суҳбатиде Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Салим Ашур, Усмон Азим, Анвар Обиджон, Гофур Шермухаммад каби таниқли адиблар иштирок этиб, бугун ёшларнинг ҳар соҳада пешқадам бўлиши, замон талабларига жавоб берадиган баркамол инсон бўлиб улғайишлари учун давлатимиз томонидан бекиёс ғамхўрлик қилинаётгани, улар фақат маърифат сари қадам босишлари, инсон сифатида қалбдан камолотга эришиб, ўз-ўзини кашф этиш учун китоб ўқишлари лозимлиги ҳақида фикр билдириб, ўз шёърларидан ўқиб бердилар.

Қайд этиш жоизки, маҳалладаги ободлик ишларида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши ходимлари, партия депутатлари ҳам фаол қатнашди.

Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
Ўзбекистон "Адолат"
СДП Матбуот хизмати
масъул ходими

Миришкор туманида Вазирлар Маҳкамаси қарори нега ижросиз қолмоқда?

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда



Биринчидан, мазкур қарорнинг 6-иловасига мувофиқ Миришкор тумани марказида лойиҳа қиймати 35,0 миллиард сўмлик янги Маданият ва истироҳат боғи ташкил этишга "Ўзбекнефтгаз" АЖ масъул этиб белгиланган. Молиялаштириш манбаси эса "Шўртангазимё мажмуаси" МЧЖ ҳамда "Муборак газни қайта ишлаш заводи" МЧЖга хисобланади.

Иккинчидан, "Янги Миришкор" шаҳарчаси ҳудудида лойиҳа қиймати 5,1 миллиард сўмлик 25х11 ҳажмли ёпиқ турдаги спорт сув ҳавзасини қуриш ва молиялаштиришга масъул қилиб Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси белгиланган.

Ўрганишлар давомида юқорида кўрсатиб ўтилган икки инвестиция лойиҳаси доирасида Миришкор туманида ҳеч қандай иш бошланмаганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, Президентимизнинг 2018 йилнинг 28-29 январь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Чироқчи туманида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида 2018-2019 йилларда Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманини комплекс ривожлантириш масаласида Вазирлар Маҳкамасига муҳим топшириқлар белгиланган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб,

"Адолат" СДП фракцияси аъзоси Жамшид Пирматов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон транспорт вазири Ачилбай Раматовга Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан белгилаб берилган ушбу икки инвестиция лойиҳасининг ўз вақтида бажарилмаётганлиги юзасидан асосланган тушунтириш ҳамда мазкур муаммоларни ҳал қилиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот бериш ҳақида 8 апрель куни депутатлик сўрови юборди.

Ушбу депутатлик сўровига атрофлича жавоб қутиб қоламиз, жавоб хатини партиянинг расмий сайти ва нашрида эълон қилиш назарда тутилганини маълум қиламиз.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунида депутат сўровига 10 кунлик муддат ичида жавоб берилиши белгиланган.

315 ўринли мактабда 883 ўқувчи таълим олмақда, бу масканда кутубхона ва ошхона йўқ

Шунингдек, Жамшид Пирматов жорий йилнинг 30 март куни Қарши шаҳрида фуқаролар билан учрашуви чоғида шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва маҳаллаларда аҳоли эътирозлари сабаб бўлаётган бир қатор муаммолар қайд этилган эди.

Шаҳардаги 3-умумий ўрта таълим мактаби 1924 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш арафасида "Кўкғумбаз" жоме масжиди ҳудуди кенгайтирилиши муносабати билан мактабнинг эски биноси бузилган. 2006 йилда "Қарликхона" МФЙ ҳудудидан мазкур таълим муассасаси учун 315 ўринли янги мактаб биноси қуриб, фойдаланишга топширилган. Бугунги кунда мактаб биносида 13 та хона мавжуд.

Айтилган бўлса ҳам, мактаб биноси қувватига ўқувчилар сони номуносив, яъни ушбу масканда 883 нафар ўқувчи таълим олмақда. Таълим муассасасида фаоллар зали, маънавият хонаси, меҳнат фани устахонаси, ёшлар иттифоқи етакчиси, мактаб психологи хоналари, мактаб директори ўринбосарлари ва ўқитувчилари учун хона ва ҳатто, кутубхона ҳамда ошхона ҳам мавжуд эмас.

Бугунги кунда мазкур таълим муассасасида 96 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ўқув блокни қуриш режалаштирилмоқда, лекин бу билан таълим муассасасининг ўқувчи ўрнига бўлган муаммоси ҳал бўлмайди. Сабаби, мактаб ҳудудига яқин бўлган "М.Қошғарий" кўчасида 3 та кўп қаватли уйнинг фойдаланишга топширилиши ва бу уйларга 190 та хонадон кўчиб қелиши ҳамда 2019-2020 ўқув йилида ҳудудда истиқомат қилувчи 90 нафар 7 ёшли болаларнинг мазкур мактаб муассасасига 1-синфга қилиши ўқувчи ўрни бора-сидеги муаммо янада ортишиб олиб келади.

Ушбу муаммога ечим топиш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Жамшид Пирматов жорий йилнинг 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдухакимовга депутатлик сўрови юборди.

Унда Қарши шаҳридаги 3-сонли умумий ўрта таълим мактаби учун бугунги кунда таълим олаётган ёшлар сонидан келиб чиқиб, қўшимча 420 ўқувчи ўрнига эга бўлган ўқув блокни қуриш масаласини ҳамда мазкур муаммоларни ҳал қилиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар ҳақида асосланган ахборот берилиши сўралган.

Умид қиламизки, мазкур депутатлик сўровига ҳам қонунчиликда белгиланган муддатда ижобий жавоб берилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Матбуот хизмати

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Худудларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг манфаатларини рўйбга чиқаришда ҳокимият вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари муҳим ўрин тутаяди. Шу мақсадда халқ депутатлари Зомин тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратмоқда.

Партия депутатлари сайловчилар билан яқин алоқада ишлаб, жойлардаги масалаларни ўрганган ҳолда уларга қонуний ечим топишга интилоқда.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Норхон Пирназарова тумандаги "Курама" маҳалласининг ички йўллари ҳолатини ўрганди. Шу маҳаллада яшовчи фуқароларнинг мурожаати асосида Н.Пирназарова туман йўл қурилиш пудрат корхонасига депутатлик сўрови юборди. Ҳозирда ушбу маҳалладаги ички йўлларга шағал ётқизиш, бир қисми асфальтланди.

Аниқ натижалар ФАОЛИЯТДА МУҲИМ МЕЗОН

Депутатлик гуруҳи томонидан партиянинг "Адолат" — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида очик мулоқотлар чоғида "Навоий" ҚФЙ маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар Азиз Урдушев, Комил Бердиев хонадонларга тўлдирилган газ баллонлари етказиб беришда учраётган муаммолар хусусида баён этишди. Депутат Санобар Алибекованинг аралашуви билан туман газ корхонаси томонидан ушбу ҚФЙ ҳудудидаги 21 хонадон суюлтирилган газ баллонлари билан таъминланди. Очик мулоқот давомида депутатга шу маҳаллада яшовчи фуқаро Мунаввар Нишонова соғлиги ёмонлашгани туфайли анчадан буён даволаниб келаётгани, дори-дармон харид қилишга қийналаётгани боис шифохонада бепул даволаниш учун ордер олишда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Санобар Алибекова туман тиббиёт бирлашмасига депутатлик сўрови киритди. Натижада фуқаро

М.Нишоновага шифохонада даволаниб, соғлигини тиклаш учун ордер берилди.

Партия депутатлик гуруҳи аъзоси Фахриддин Умурзоқовга "Истиқлол" ҚФЙда яшовчи фуқаролар хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланмаганини айтишди. Туман "Сув-оқава" корхонасига депутатлик сўрови киритилган, муаммо ўрганилиб, ушбу ҚФЙдаги 12 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

"Навоий" МФЙда сайловчилар билан мулоқот чоғида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-ларни газ плиталари, газ баллонлари билан таъминлаш ва моддий ёрдам ажратиш юзасидан мурожаат қилинган эди. Депутат Абдурауф Худойбердиев маҳалладаги 8 та хонадоннинг турмуш тарзи ва яшаш шароитини ўрганди. Маҳалла раиси ва бир қатор ҳомийларни жалб қилган ҳолда депутат муаммога ижобий

ечим топиб, ушбу хонадонларга газ баллонлари етказиб берилди ва уларнинг ҳар бирига моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундай мисолларни яна келтириб ўтиш мумкин. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, депутатлар бу борада ўз ваколатларидан хали тўлагича фойдаланмапти. Табиийки, сайловчилар у ёки бу масалада сафдошларимиз эришган амалий натижаларга қараб фикр билдиради. Айниқса, сайловлар йилида депутатлар партия тузилмалари билан биргаликда янада фаолроқ ишлашга ҳаракат қилиши лозим. Чунки партия фаолларининг сайловлар оралиғидаги фаолияти, берган ваъдаларига амал қилиши навбатдаги сайловларда партия номзодларига ишонч ортишининг ҳаётий омилли саналади.

Достон ЗОКИРОВ,
Жиззах вилоят кенгаши
матбуот котиби

Сўровларга эътиборсизлик қилаётган мансабдорлар жазоланиши шарт

Давом. Бошланғич 1-бетда

Бироқ амалиёт депутатлик корпуси вакиллари тўлақонли фаолият олиб боришига тўсқинлик қилувчи айрим омиллар, хусусан, парламент назоратининг муҳим институтларидан ҳисобланган депутат сўрови ва сенатор сўрови институтидан фойдаланиш, унинг кафолатларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалалар борасида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасига мувофиқ, мансабдор шахслар томонидан депутатлар ҳамда сенаторлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслик, уларнинг ишига тўсқинлик қилиш, уларга атайлаб сохта маълумот бериш, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини бузиш, худди шунингдек, мансабдор шахслар томонидан парламент сўрови, депутат сўрови, сенатор сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиш учун жавобгарлик белгиланган. Аммо бу борадаги ўрганишлар ушбу жавобгарлик чоралари амалиётда деярли қўлланилмаган келинаётганини кўрсатмоқда.

Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ўтган икки йил давомида мансабдор шахслар номига жами 526 та депутатлик сўровлари юборилган бўлиб, улардан 31 таси умуман кўриб чиқилмасдан қолдирилган, 58 тасининг эса кўриб чиқиш муддатлари узрли сабабларсиз бузилган.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида депутатлик фаолиятининг кафолатлари билан боғлиқ вазият бундан ҳам мураккаброк

бўлиб, бу борада махсус ўрганишлар 2017-2018 йиллар мобайнида депутатлик сўровларига ўз вақтида ёки умуман жавоб берилмаган ҳолатларда сўров юборилган мансабдор шахсларга нисбатан ҳам жавобгарлик чоралари амалда деярли қўлланилмай келинаётганини кўрсатади. Масалан, "Адолат" СДПнинг маҳаллий Кенгашлардаги жами 850 нафарга яқин депутатлари томонидан 2017-2018 йилларда жами 10342 та депутатлик сўрови юборилган бўлиб, депутатлик сўровларини кўриб чиқмасдан қолдириш ҳолатлари 507 тани, кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ҳолатлари эса 1084 тани ташкил этади.

Умуман, ўтган икки йил мобайнида республикамиз бўйича барча даражадаги депутатлик корпуси аъзолари томонидан мансабдор шахсларга жами 62714 та депутатлик сўрови юборилган бўлиб, улардан 4499 тасининг кўриб чиқиш муддатлари узрли сабабларсиз бузилган, 2956 таси эса умуман кўриб чиқмасдан қолдирилган.

Ҳолбуки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Депутатга бепасандлик — халққа бепасандлик деб баҳолашни шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради. Шу сабабдан ҳам депутатлик сўровини кўриб чиқмагани ёки унга жавоб бермагани, кўриш муддатини бузгани учун жавобгарлиқни кучайтириш лозим", дея таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасига мувофиқ маъмурий судлар томонидан 2017-2018 йиллар давомида атиги 12 та иш кўрилган, холос. Судлар томонидан 2017 йилда 8 нафар мансабдор шахсга нисбатан 7 та маъмурий иш кўрилган бўлиб, шундан 5 та иш бўйича 6

нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган, 2 та иш эса тугатилган. 2018 йилда эса судларда жами 5 та шахсга нисбатан 5 та маъмурий ишлар кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг барчаси бўйича жазо чоралари қўлланилган.

Судларда кўрилган ишлар сони жуда камлигининг асосий сабабларидан бири содир этилган ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш ва уни судга ошириш механизмнинг амалдаги қонунчиликда белгиланмаганлигидир.

Масалан, агар депутат сўровига белгиланган муддатда жавоб берилмаса, тегишли мансабдор шахсга жавобгарликка тортиш ҳақида депутатнинг ўзи судга чиқа олмайди. Боз устига, депутат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш ҳуқуқига ҳам эга эмас. Шу боис депутат бу масалада бошқа органларга мурожаат қилишга мажбур бўлиб, бу эса ортиқча вақт ҳамда процедураларни баҳо беради.

Қолаверса, мансабдор шахснинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш борасида депутат мустақил қарор қабул қила олмайди, балки тегишли давлат органининг депутат таклифига рози бўлиши ёки рози бўлмагани шундан кўриб чиқилиши мумкин. Ўрни депутат киритадиган материалнинг тўғри ёки нотўғрелигига суд эмас, балки судгача бошқа орган баҳо беради.

Юқоридагиларга асосланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатлари бузилган тақдирда депутат, сенаторга тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш бўйича қўшимча киритиш таклиф қилинмоқда.

Таклиф этилаётган мазкур норма хорижий мамлакатлар тажрибасига

СЕМИНАР

Ватанимиз келажаги ва тараққиёти ҳар томонлама соғлом ва баркамол ёшлар қўлида, деб ҳисоблайдиган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаоллари ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз имкониятларидан кенг фойдаланишларини рўйбога чиқариш, ҳудудлардаги уюшмаган ёшлар билан мунтазам иш олиб боришда муайян натижаларга эришмоқда.

Партия лойиҳалари амалда

Жумладан, Жиззах вилоят партия кенгаши, туман ва шаҳар ташкилотлари томонидан ёшлар иштирокида партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ва "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур" лойиҳалари доирасида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Жиззах давлат педагогика институтида "Ёшлар маънавиятини юксалтиришда "Адолат"нинг ўрни" мавзусида ташкил этилган семинарда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, ушбу институт вакиллари, партия депутатлари ва фаоллари, БПТ раислари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Демократик давлатда ёшлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати орқалигина рўйбога чиқара оладилар, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. — Жамиятимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари, тараққиётимиз таянчи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади муҳимдир. Кейинги икки йил давомида қабул қилинган бир қатор қарор, фармон ва қонунлар айнан ёшлар масаласига бағишланди. Ёшлар жамиятининг келажагини таъминловчи ижтимоий қатламга айланиши учун давлат алоҳида гамхўрлик кўрсатиши, кенг жамоатчилик эътибор қаратиши ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам бир қатор вазифаларни ўз олдига қўйган.

Семинарда таъкидланганидек, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кечаётган глобаллашув ва унинг таъсирида шиддат билан ўзгараётган ҳозирги даврда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини маъмули ташкил этиш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Зеро, эртанги кунимизни, халқимиз тақдирини ва мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини белгилувчи асосий куч айнан ўсиб келаётган фарзандларимиз, ёшлар қатлами саналади.

Шу боис ёшлар масаласида тараққиёт ва замон талабларидан келиб чиқиб, янги-янги ташаббуслар, долзарб чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилиб келинмоқда.

— Бугунги кунда ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш партияимизнинг устувор мақсадларидан бирига айланган, — деди вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Раҳмонберди Раҳмонов. — Вилоятимизда халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари ҳамда партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан 2019 йилнинг 1-чораги давомида уюшмаган ёшлар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларга 1646 нафар ёшлар қамраб олинди ҳамда 711 та хонадонларга ташриф буюрилди, 1469 нафар ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди ва 14 нафар ёшлар чет давлатлардан қайтарилди. Шунингдек, партиянинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида 16 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Семинарда китобхонлиқни тарғибот этиш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлашда масъул ташкилотлар, иш берувчилар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаш, янги иш ўринлари яратилишга бел боғлаган юрдошларимизга кўмаклашиш юзасидан атрофича фикр алмашилди.

Достон ЗОКИРОВ,
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

САЙЛОВ

Исҳоқларнинг ҳозирги босқичида маҳаллаларни янада қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, шу билан бирга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарорини талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис Президентимиз томонидан 2018 йили имзоланган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунлар бевосита маҳалла ҳаётини дахлдор бўлиб, унинг тараққиётини, фаолият мезонларини белгилаб берди.

Эътиборлиси, мазкур қонунлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини маҳалла оқсоқолларига қўйилаётган янгича талаблар асосида амалга оширишга қулай шароит яратиш, сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан мамлакатимизда шу йил май ойида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайлови янги қонун асосида ўтаётгани билан аҳамиятлидир. Бу сайловда республикамизда 9019 нафар, хусусан, Тошкент шаҳрида 508 та фуқаролар йиғинида раислар сайланади.

Авалло, ўзини ўзи бошқариш деганда, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ўз манфаатларидан, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги қонунлар билан кафолатланган фаолиятини тушуниш жоиз. Конституцияимизнинг 105-моддасида "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни (оқсоқолни) сайлайди", деб белгилаб қўйилган.

Бу борадаги муносабатлар янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиниб, унинг 8-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти

Маҳалла раислигига



органлари тизимига кирмаслиги, фуқаролар йиғини органлари фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссия ва тафтиш комиссиясидан иборатлиги белгиланган.

Фуқаролар йиғини раиси сайлови Президент томонидан 2018 йил 15 октябрда имзоланган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонун талаблари асосида амалга оширилади. Шу ўринда, қонунларимизга киритилган ўзгаришларга биноан оқсоқолнинг ваколат муддати 2,5 йилдан 3 йилга узайтирилгани, оқсоқол билан масъул ҳужжатларнинг сайлови алоҳида ўтказилиши, оқсоқолни сайлашда сайловда иштирок этиш ҳуқуқи бўлган фуқароларнинг камида 12 фоизи иштирок этиши шартлиги белгиланганини таъкидлаш жоиз.

Фуқаролар йиғини раиси сайловида шу маҳалла ҳудудида доимий яшовчи, муомалага лаёқатли 18 ёшга тўлган фуқаролар иштирок этади. Иштирок этиш ихтиёрий ва эркиндир. Оқсоқол сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади. Номзод икки ва ундан кўп бўлиши керак. Сайловни ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Унинг таркибига оқсоқол, маслаҳатчилари, йиғиннинг бошқа ходимлари, оқсоқолликка номзодлар киритилиши мумкин эмас. Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ўтказилишидан камида беш

кун олдин шу ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади. Ховлилар, уйлари, кўчалар аҳолисининг вакиллар сайлови бўйича умумий йиғилишларини ўтказди. Вакиллар бўйича баённомалар тузади. Фуқаролар фикрини инобатга олган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун оқсоқол лавозимига номзодлар рўйхатини шакллантиради, сайловни ўтказди ва сайловга оид мурожаатларни кўриб чиқайди. Ишчи гуруҳ оқсоқоллик лавозимига номзодларни сайловдан камида ўн кун олдин ҳоким билан келишиш учун тегишли комиссияга тақдим этади. Ҳоким номзодларни кўриб чиқиб, асосланган ҳулосалари билан комиссияга, комиссия ишчи гуруҳга юборади. Ишчи гуруҳ номзодлар рўйхатини сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини билан ва гузарларга осиб қўяди.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНАДИ

Фуқаролар йиғини раислигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, қоида тариқасида олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчи, ҳаётини ва иш таърибасига ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ва судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар, ҳарбий хизматчилар ва диний ташкилотларнинг про-фессинал хизматчилари оқсоқоллик лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ишчи гуруҳ раҳбарлигида ўтказилади. Кун тартибидида санок комиссиясини сайлаш ва оқсоқолни сайлаш масаласи кўрилади. Санок комиссиясини камида уч кишидан иборат таркибда сайланади. Номзодларнинг маърузаси алифбо тартибидида ўтказилиб, улар ўзининг келгуси фаолият дастури-ни эълон қилади. Оқсоқолни сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов

қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугагандан кейин санок комиссиясини томонидан очилади. Овозларни санаб натижалари бўйича санок комиссиясини томонидан баённома тузилиб, раис ва аъзолар томонидан имзоланади. Баённома санок комиссияси раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан тасдиқланади.

Фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками, вакиллар йиғилишида вакилларнинг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтган деб топилади. Овоз беришда иштирок этган фуқаролар-

нинг ярмидан кўпрогининг овозини олган номзод оқсоқол лавозимига сайланган деб ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)лигига икки нафардан ортқ номзод қўйилиб, биронтаси ҳам сайланмаса, энг кўп овоз олган икки номзод бўйича тақдир овоз бериш ўтказилади. Бу вақтда бошқа номзодга нисбатан кўпроқ овоз олган номзод оқсоқолликка сайланган ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлангач, фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгаши шакллантирилади, оқсоқолнинг маслаҳатчилари, комиссиялар ва тафтиш комиссияси сайланади.

Амалиётга фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)ни туман (шаҳар) ҳокими ишдан бўшатганини тўғрисидаги мурожаатлар кўп учрайди. Хўш, ҳоким ўзининг қарори билан оқсоқолни вазифасидан бўшатиши мумкинми? Йўқ. Аммо қонунчиликка ҳокимлар тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашига жамоатчилик асосида раислик қилиши белгилаб қўйилган. Бу кенгаш оқсоқолларнинг ахборотини эшитиш ваколатига эга. Шунингдек, фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) мувофиқлаштириш кенгашининг ташаббуси билан қазирилиши мумкин. Ҳар чоракка оқсоқол ҳисоботи эшитилиб, унинг фаолияти қониқарсиз деб топилса, фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан оқсоқол ваколатлари муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси

Ўз ҳисобидан ГАЗ БАЛЛОН ТЎЛДИРАЁТГАН БОҒЧА ОПАЛАР

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

"Найман" маҳалласида жойлашган 30-МТМ мослаштирилган бинодо фаолият юритаётган муассаса ҳисобланади. Аммо 50 нафар ўринга 75 нафар бола қабул қилинган айрим муаммоларга сабаб бўляпти.

— Тўғри, боғчага қабул қилиш тизими шаффофлашди, — дейди боғча мудир Ирода Пирназарова. — Давлат хизматлари томонидан, навбат асосида қабул қилияпмиз. Аммо мурожаатларнинг кети узилгани йўқ. Боласини боғчага берувчилар сони кўп. Туман мактабгача таълим бўлими вазиятни ўрганиб, қўшимча 25 нафар бола олишга рухсат берди.

Болалар ётоқхонасида кийим жавонларнинг йўқлиги боис кичкинтойларнинг кийимлари этакларга туғиб қўйилар экан. Ҳар бир гуруҳнинг ўз этаги бор. Энди тасаввур қилинг. 15-20 нафар боланинг кийим-кечаги бир этакка солиб, боғлаб қўйилади. Сигмагани устма-уст, аралашиб ётибди. Ёш организм юқумли касалликларга тез чалинувчан бўлади. Демак, санитария-гигиена талабларига зид келувчи бундай ҳолатларни оқлаб бўлмайди.



Таом тайёрлашда суюлтирилган газ муаммо бўлаётгани алоҳида масала. **Ошпазлар суюлтирилган газдан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда.** Қизиги, уни ҳеч ким тўлдириб бермайди. Харажатлар сметасида бу ҳисобга олинмаган. **Шундай бўлгач, боғча ходимлари чўнтагидан пул сарфлаб, газ баллонларини тўлдиришга мажбур бўлишмоқда.** «Баъзан ота-оналар шу масалада ҳомийлик ёрдами қилиб туришади», дейди муассаса раҳбари.

Таассуфки, шундай ҳолатга 14-МТМда ҳам дуч келиш мумкин.

— Баъзи ойлarda харажати ошиб кетади, — дейди МТМ ҳамшираси Марҳоба Сафарова. — Газ баллонни тўлдириб келиш доим муаммо. Ҳар ой 50-60 минг сўмдан пул йиғамиз. Истеъмол қилаётган овқатимиз учун маошимиздан чегириб қолинади. Боғчада тозалаш ишлари учун хлор воситасини ҳам ёнимиздан сотиб олишга мажбуримиз.

Ҳамшира бизни боғча ошхонасига олиб борди. Тушликка шавла сузилаётган экан. Овқатларни рақсонда ҳар бир бола учун солинадиган гўшт миқдори кунига 100 грамм қилиб белгиланган. Аммо таомга умуман гўшт солинмаган.

— Бугун душанба. Гўштинг охиригини ўтган ҳафта жума кунини ишлатганимиз, — дейди МТМ мудираси Феруза Жўраева. — Қассоблар кечгача олиб келишни ваъда қилишганди. Озиқ-овқат таъминоти-



да шундай узилишлар ҳам бўлиб туради. Гўштинг ўрнини босиш учун кўпроқ тухум қайнатдик. Болалар бугунча шуни тановул қилиб туришади.

"Тиббиёт хонаси"даги шароит билан танишар эканмиз, яна бир ҳолат эътиборимизни тортди. Айрим дори-дармонларнинг ярқоқлиги муддатла аллақачон ўтиб бўлган экан. Аммо ҳали ҳам тиббиёт жавонини "безаб" турибди.

Фараз қилайлик, ўша дори-дармонларга эҳтиёж туғилди. Шундай пайтда улардан фойдаланмасликка қафолат борми?

Озиқ-овқат учун ҳамланган пиёз кўкариб кетибди, борганимизда асфальт йўлакка ёйиб қўйилган экан. Уч-тўрт нафар ходим барра қисмини қирқиб, яна қопга жойлаштириш билан машғул.

10-МТМ кишлоқ боғчаларидан анча фарқ қилади. "Гулистон" маҳалласида жойлашган ушбу муассаса 2014 йилда мумкам таъмирланган. 125 нафар бола учун барча шароитлар мавжуд. МТМ мудираси Дилноза Ҳамроева бизни амборхонага бошлаб борди. Иккита музлаткичи очиб, за-

"Тиббиёт хонаси"даги шароит билан танишар эканмиз, яна бир ҳолат эътиборимизни тортди. Айрим дори-дармонларнинг ярқоқлиги муддатла аллақачон ўтиб бўлган экан. Аммо ҳали ҳам тиббиёт жавонини "безаб" турибди. Фараз қилайлик, ўша дори-дармонларга эҳтиёж туғилди. Шундай пайтда улардан фойдаланмасликка қафолат борми?

ҳирада сақланаётган гўшт қанча эканини кўрсатди.

Ҳақиқатан музлаткич тўла гўшт. Ҳали бошқа боғчаларда бундай тўқислиқни учратмагандик. Аммо... Тақсимот бўйича, ўша кунги таомлар учун 12,5 килограмм гўшт ишлатилиши кераклигини билдик. Бироқ болаларнинг овқати учун ҳар кун 10 килограмм гўшт ишлатилмоқда.

— Ҳаммаси қонуний расмийлаштирилган, — дейди мудир Д.Ҳамроева. — Агар озиқ-овқат таъминотида узилиш бўлиб қолса, захирага 2,5 килограммдан олиб қўйилаётган гўшт асқотади. Музлаткич

тўлиб турса, янги келтирилган маҳсулотни олмай, қайтариб юборамиз. Қачон зарур бўлса, келтириб беришади.

Мақоламиз бошланишида боғчалар таомномасига киритилган айрим маҳсулотлар тури қискаргани ҳақида қайд этган эдик. Қарийб 24 турдаги маҳсулот бугун 22 тага камайтирилган. Дейлик, сифатли қолбаса маҳсулоти камлиги ҳисобга олиниб, рақсондан чиқарилган. Картошка, балиқ, сўт маҳсулотларининг миқдори камайтирилиб, айримлари оширилган. Гўшт миқдори эса аввалгидай, ўзгартирилмаган. МТМ мудирасининг келтири-

ган важи уни камайтиришга асос бўлармикан? Озиқ-овқат таъминотидаги узилишлар қачонгача давом этади? Маҳсулотларнинг кирими қайд этиб бориладиган дафтари тегишли тартибда муҳрланиб, расмийлаштирилмагани кишида таажуб уйғотади.

Хуллас, жавобсиз қолаётган саволлар кўп. Ҳўш, суюлтирилган газ баллонларини тўлдириш қачонгача ходимлар ва ота-оналар ҳиммати ҳисобига амалга ошар экан? Сифати ўтган дори-дармонлар-чи? Таом тайёрлаш, маҳсулотларни сақлаш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар болалар саломатлиги учун зарар келтириши мумкин, бу ҳолат мутасаддиларни қачон сержак торттиради? Бу саволларга маъсул ташкилотлар вакиллари амалий ишлар билан жавоб қайтаради, деган умид-дамыз. Демак, ушбу мавзуга яна қайтамиз.

Комила УМАРОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Жомбой туман кенгаши
раиси,
Шерзод ИСОҚУЛОВ,
"Жомбой тонги" газетаси
муҳбири

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Таҳлилларга эътибор қаратсангиз бугунга қадар мамлакатимизда жами 370 мингдан ортиқ ҳўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтгани, 2019 йил аввалида тадбиркорлар учун солиқ юки 30 фоизга камайганига гувоҳ бўласиз.

Бир қараганда ҳаммаси яхши, ҳаммаси зўр. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, бу бизни ўйлашга мажбур қилади.

Тадбиркорга пул йиғувчи эмас, кўмакчи керак

Солиқ юкидаги ва ҳужжатлар алмашинувидаги енгилликларга қарамадан жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 135 минг, яъни умумий рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг 36 фоиздан кўпроги ўз ишини вақтинча ёки умуман тўхтатган. Яна бир эътиборни торттирган жиҳати, бу рақамлар ўтган йилга нисбатан 3 фоизга кўпроқдир.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтган ҳафтада ўтказилган видеоселектор йиғилишида айрим вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимлари маҳаллий бюджетга солиқларнинг ўндирилиши, шунингдек, фаолият юритиб келаётган тадбиркорлар ўз фаолиятини вақтинча ёки умуман тўхтатганлиги натижасида бюджетга тушум камайганлиги юзасидан танқидга учрадилар.

Фикримизча, бунинг иккита асосий сабаби мавжуд: биринчидан, фаолият тўхтатилган тадбиркорларнинг кўпчилиги банкдан ташқари, яъни фойдани яширган ҳолда ўз фаолиятини давом эттирган. Сабаби эса аниқ. Ўтган йили солиқ соҳасидаги ўзгаришлар мутахассислар томонидан солиқ тўловчиларга тўлиқ ва тушунарли ҳолда етказилиши тизимли йўлга қўйилмаган.

Иккинчидан, янги солиқ тизими бўйича республикаимизда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботини юритиш учун лозим даражада малакали ҳисобчилар етишмади.

Ҳўш, бу каби ҳолатлар келгуси чорак якунида ҳам рўй бермаслиги учун нима қилиш керак?

Аввало, ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорларнинг ҳар бирига солиқ ва молия тизимидаги ислохотлардан тўла хабардор бўлган мутахассисларни бириктириш ва улар иштирокида тадбиркорлар билан суҳбатлар (тадбир ёки йиғилиш эмас) ўтказиш зарур. Албатта, бу каби ишларни жойларга чиқиб, ҳар бир тадбиркор билан унинг фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш керак.

Юзма-юз мулоқотларда аниқланган муаммоларни бартафат этиш учун барча чораларни кўриш даркор. Керак бўлса, қабул қилинган қарор ва фармонларни, шунингдек, соҳага оид тегишли қонунларга, тадбиркорлар мурожаатларидан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин, бу ҳақида тақлифлар киритиш лозим.

Тадбиркорлар билан мулоқотларимизда айрим ҳолларда уларга ўтган 2016, 2017, 2018 йиллардаги фаолият учун ҳам қўшимча қиймат солиғи ҳисобланиб, банкдаги ҳисобрақамларига инкасса тўловлари қўйилганлик ҳолатлари кузатишмоқда. Энди ўзингиз ўйланг, унинг ҳисобрақамидан айланма маблағи — маълум миқдордаги сумма мавжуд ва унга уч йил учун катта миқдордаги қарздорлик қўйилди ва ушбу маблағ солиқ қарздорлигига йўналтирилди. Табиийки, айланма маблағсиз қолган тадбиркор ўз-ўзидан фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади.

Бу ўринда агар биз ҳақиқатдан ҳам тадбиркорлар сонини ошириш, уларни қонуний солиқ тўловчиларга айлантиришни истасак, унда тадбиркорларнинг аввалдан солиқ тўловларидан бўлган қарздорлигини пропорционал ойларга бўлиб тўлашини йўлга қўйиш, амалдаги жарималарни минимал даражада камайитириш, бу борадаги ишларни тизимли ва сифатли амалга ошириш учун эса солиқ тизимидаги ходимларнинг малакасини ошириш керак бўлади.

Шунингдек, ҳар бир вилоят ҳудудидаги иқтисодиёт факультети бор бўлган университет ва институтларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бухгалтерларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш керак. Унда биринчи бор малакасини ошираётган ҳисобчиларни бепул ўқитиш, кейинги ўқув даврларида ЭКИХнинг бир баравари миқдордаги тўлов билан амалга ошириш, шунингдек, малака ошириш ҳар 3 йилда бир марта ўтказилишини жорий этишимиз зарур.

Хулоса ўрнида айтганда, ислохотлар қайси соҳада амалга оширилишидан қатъи назар, ўзгаришлар ижрочиларининг ўзи ислохотлардан қўланган мақсад ва вазифаларни тўри ва тўла-тўқис англаб етиши қўланган натижага эришишининг гаровидир. Чунки солиқ тизимидаги ислохотлардан мақсад — тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган тадбиркорларга ҳамда фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш орқали иштиёрий равишда бюджетга тушадиган даромадларни оширишдан иборат бўлмоғи лозим.



Мақсуд ҚУРБОНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
қўмитаси раиси ўринбосари,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси

ЭЪТИБОР

Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти ва дунёқарашини юксалтиришда китобнинг ўрни беқиёс. Юртимизда китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Энг яхши совға — китоб

Турли касб эгалари, раҳбар ходимлар, депутатлар жойларда таълим даргоҳлари кутубхоналарига ёшлар учун китоблар совға қилиши эзгу анъанага айланди. Партия фаоллари ҳам бир қатор

умумтаълим мактабларига тафаккур дурдоналаридан тўхфа этишмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП КеҒейли туман кенгаши раиси Мурат Бегжанов ўзи ўқиган мазкур мактаб кутубхонасига бадий китоблар

лим мактаби кутубхонасига китоблар тўпламини ҳада қилди. Г.Кайпов мактаб ўқувчилари билан китобхонлик маданияти, мутолаа завқи, билим эгаллашининг ҳаётини аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.

Ана шундай тадбир Шуманай туманидаги 16-умумтаълим мактабида ҳам ўқувчиларга қувонч улашди. Туман партия кенгаши раиси Мурат Бегжанов ўзи ўқиган мазкур мактаб кутубхонасига бадий китоблар

тақдим қилди. Ўқувчиларнинг таъқидлашча, бундай ташаббуслар кутубхоналарини асл дурдоналар билан бойитмоқда, бу эса ўқувчиларга ҳам ибрат, ҳам бебаҳо тўхфа саналади. Аслида энг яхши совға китобдир. Вақти келиб, ёшлар ҳам шу эзгу анъанани давом эттиради.

Айшолпан ОРАЗИМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши
матбуот котиби

ИХТИРО

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтини, микроорганизмлар биотехнологияси лабораторияси олимлари томонидан Орол денгизининг қуриган майдонидан уладиган тузларнинг зарарли таъсирини камайитирувчи биотехнология ихтиро қилинди.

Институт лабораторияси мудир Бахтиёр Расуловнинг хабар беришича, мазкур биотехнология тузларда учрайдиган айрим ризобактерияларнинг ноб биополлимерлари — полисахарид асосидаги биофлокулянтларнинг биологик фаоллигига асосланиб, Ушбу биоматериаллар тузлар таркибидagi катионлар (Na⁺, K⁺, Mg²⁺,

Ca²⁺ ва бошқаларни) юқори фаолликда бириктириши орқали тузлар таркибидagi тузларни боғлаш — зарарсизлантириш хусусиятига эга. Биофлокулянт бирикмалар гел — ўзига хос куюк суспензия ҳолатида қўлланилади. Ризобактерия штаммларининг биоматериаллари синтези ва уларнинг тўлиқ физик-кимё

Тузларнинг зарарли таъсирини камайитириш усули топилди

вий тавсифлаш борасидаги илмий тадқиқотлар 2012 йилда бошланган. Уша вақтда ўсимликлар, жумладан, бугдой ва гўза илдири тузроқларидан иқтисодий аҳамиятга эга, кишлоқ ҳўжалигини қўллаш мумкин бўлган бир қатор бактерия штаммлари ажратиб олинди. Бу бактерия штаммлари Azotobacter, Rhizobium, Bradyrhizobium авлодларига мансуб бўлиб, биофлокулянтлар синтезлашидан ташқари,

ҳаво азотини ўзлаштириш ҳисобига кишлоқ ҳўжалигини биологик азот (биоселитра) сифатида ҳам қўллаш мумкинлиги аниқланган. Урни келганда ай-тиб ўтиш лозимки, ана шу бактерия штаммлари асосида шўр тузроқларда кишлоқ ҳўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи "Биозот" биологик ўғити ҳам яратилди ва Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалигини қўллаш учун рухсат этилди.

**ЖАМОАТЧИЛИК
НАЗОРАТИ**

Хар бир депутатнинг ўз сайлов округи ҳудудида электротат билан яқин алоқада ишлаб, мавжуд муаммолардан ўз вақтида хабардор бўлиши ва уларга ечим топиши шу ҳудудда партиянинг мавқеини мустақамлаш омили саналади.

Ходимлар ва иш беву-чилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустақамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш масалаларига Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 март кунги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан аёлларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз рия этилишини таъминлашга, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга доир бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Худудларда аҳоли, жумладан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга доир вазифалар ижроси худудий партия ташкилотларининг диққат марказида бўлмоқда. Яқинда

Анджон вилояти партия кенгаши фаоллари Марҳамат туманида бу борада амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Ўрганишларда аён бўлдики, Марҳамат тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан 2019 йил учун мўлжалланган "йўл харитаси" асосида туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 48 та маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ишсиз, ишлаш истагини билдирган, оғир турмуш шароитида яшаётган 58 нафар хотин-қизлар бор экан. Секторлар кесимида уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилиб, 22 нафари жамоат ишларига жойлаштирилди.

— Бандлик масаласида муаммомиз йўқ, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Маъмураҳон Сотволдиева. — Кичик бизнес субъектлари томонидан яратилаётган иш ўринлари тадбиркорларга берилаётган имкониятлар самарасидир. Йилнинг ўтган даврида 32 нафар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги аёлларга тижорат банклари томонидан 1 миллиард 315

**Ишлаётган...
ишсизлар**



миллион, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 125 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Март ойининг ўзиде вақтинча ишсиз бўлган 143 нафар аёл ишга жойлаштирилди.

Юқоридеги рақамлар бир қарашда қувонарли. Жойларда бу борадаги рақамлар қандай акс этмоқда? "Иқбол Мингтепа жилоси" хусусий корхонаси 2014 йилда ташкил топган. Февраль ойида 20 миллион сўм молиявий кўмак берилган. Маълумотларда жорий йилнинг ўзиде 13 нафар хотин-қиз мазкур корхонага ишга қабул қилинганлиги қайд этилган. Аммо уларнинг ярми иш жойида

эмас. **Корхона раҳбари Иқбол Исроилова** "Бугун кўпчилиги дам олмоқда", дея оддийгина изох беришдан нарига ўтмади. Маош тўланаётган бўлса-да, янги ишга қабул қилинганларнинг меҳнатидан ноқонуний фойдаланилмоқда. Уларнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисида халигача буйруқ чиқарилмаган.

"Ишчиларнинг ҳужжатлари бизда", — дея масалага аниқлик киритмоқчи бўлган туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Абдуқаҳҳор Сайдахмедовнинг сўзларидан, очиги, қониқмадики... Бизга "Миришкор", "Алитепа", "Бозорбоши", "Қорақўрғон" ва "Бобохурсон" маҳалла фуқаролар

йиғинлари ҳудудида фуқаролар бандлигини таъминлашга эҳтиёж катта эканини назарда тутиб, ушбу МФЙларда алоҳида янги иш ўринлари ташкил этилаётганини маълум қилишди. Афсуски, бу масалада ҳам қозғоғдаси амалдагисига тўғри келмади.

"Қорақўрғон"да тадбиркор Саидқамал Қорихонов томонидан шу йилнинг январиде трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга

ихтисослашган кичик фабрика ташкил этилди. Маҳсулотлар ички бозорда ўз харидорларини топмоқда. Даромади ҳам кўнглидагидек. Лекин ишчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга келганда масъулиятни зиммасига олишни ҳеч ким истамаётгандек. Ойига 300 минг сўмдан маош олаётган чеварлар ишли бўлганидан хурсанд. Аммо уларнинг меҳнат фаолияти қачон қонунийлаштирилади? Яна соҳа мутасаддиларига юзландик. Яна жавоб йўқ. "Қовунчи" МФЙда яшовчи аҳолининг 2700 нафари хотин-қизлар. Айна вақтда уларнинг 41 нафари вақтинча ишсиз. Аёллар тадбиркорлигини

ривожлантириш МФЙ фаолларини қизиқтирмайди чоғи. Буни "қовунчи"лик хотин-қизлар орасида айтарли тадбиркор йўқлиги ҳам кўрсатиб турибди.

— "Хар бир оила — тадбиркор" дастури асосида ўтган йили Г.Ўтановага кредит берилган, ҳозир у ўз уйида чеварлик қилмоқда. — деди МФЙнинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилада маънавий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассиси Насибхон Мақсудова.

Биргаликда тадбиркор чеварнинг хонадониде бўлганимизда, афсуски, берилган имкониятдан, тикув машинасида мақсадли фойдаланилмаётгани аён бўлди.

"Шахристон" ва "Қорақўрғон" МФЙларида ҳам бир неча оилаларни ишсизлик муаммоси қийнаб келмоқда. Токи туман ҳокимлиги ва бандликка кўмаклашиш маркази мутахассислари жойларга чиқиб, амалий иш қилмагунча бу муаммолар ўз ечимини топиши даргумон.

Аёллар тадбиркорлигини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиши ва ташаббусларини рағбатлантириш, бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда Марҳаматда бу масалага панжа орасидан қаралаётганини қандай тушуниш мумкин?

Акбаржон НАЗАРОВ,
Анджон вилоят кенгаши
матбуот котиби

**ДЕПУТАТ
АРАЛАШГАЧ**

Худудларда партия депутатлари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган.

**Таъминот
яхшиланади**

Учкўприк туман партия кенгаши ишчи гуруҳи "Буйрак" МФЙда ана шундай ўрганишлар олиб борди. Ўрганишларда ушбу маҳаллада ичимлик суви қувурларини таъмирлаш зарурлиги аён бўлди. Депутат аралашуви билан масъул ташкилот томонидан муаммо ҳал этилиб, ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Бешариқ туманида олиб борилган ўрганишларда фуқаролар "Чинобод" МФЙдаги "Нури йўл" ва "Янги ҳаёт" кўчаларини асфальтлашга кўмак сўрашди. Мазкур мувожаат юзасидан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбарига депутатлик сўрови юборилди.

Қувасой шаҳрида иш олиб бораётган ишчи гуруҳимизнинг навбатдаги ўрганишлари "Намуна" МФЙда ўтказилди. Ў.Каримова фуқаро Г.Қаҳҳорованинг кам таъминланганлиги сабаб моддий ёрдам олишда учраётган муаммолар тўғрисидаги мувожаати юзасидан шаҳар молия бўлимига депутатлик сўрови юборди. **С.Йўлдошевнинг қилшоқда ёшлар учун спорт мактаби ёки спорт зали барпо этилиши бўйича берган таклифи юзасидан эса халқ депутати шаҳар Кенгаши депутати Ж.Нозимов томонидан шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўрови чиқарилди.**

Мутасадди ташкилотларга киритилган депутатлик сўровлари ижроси назоратга олинди.

Нурбек МИРЗАЕВ,
Фарона вилоят кенгаши матбуот котиби

МУСОБАҚА


Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси томонидан аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мамлакатимизда белбоғли кураш спорт турини оммалаштириш ва янада ривожлантириш мақсадида ушбу спорт тури бўйича "Адолат кубоги" республика мусобақасини ўтказиш белгиланди. Айна пайтда мазкур мусобақанинг худудий босқичи кўтаринки рунда бўлиб ўтмоқда.

**Ёш полвонлар
"Адолат кубоги" учун
беллашди**

САМАРҚАНД. Тайлоқ туманидаги Олимпия захиралари спорт коллежида белбоғли кураш бўйича "Адолат" кубоги учун республика мусобақасининг Самарқанд вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 6 вазн тоифаси бўйича 200 нафар спортчи иштирок этди.

вожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. "Адолат кубоги" учун мусобақаларнинг кўйи босқичлари янги тайёргарлик қўрилган ҳолда ўтказилгани туфайли ҳозирда қўллаб қўбиятли полвонлар аниқланмоқда.

Тумандаги Олимпия захиралари спорт коллежида бўлиб ўтган мазкур беллашув ҳам қўллаб янги иқтидор эгаларини кашф этди, десак янглишмаймиз. Дастлаб 2000, 2001, 2002 йилларда туғилган ўсмир спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этиш учун майдонга тушганларида залда томошабинлар, ус-тоз-мураббийларнинг олқишлари барчани руҳлантирди. Чунки голиблик учун рақиб билан бел олишган хар бир ўсмир чаққон харакатлари ва спортнинг бу



қадимий, миллий турининг талаб, мезонларини пухта ўзлаштириб олганлигини яққол намойён этдилар.

Мусобақа жараёнида Тайлоқ тумани вакиллари хар томонлама жиддий тайёргарлик кўрганликлари аён бўлди. Улар бир йўла беш вазн тоифасида голиблик шохушасининг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Хусусан,

Шаҳзод Эргашев (55 кг.), Шаҳзод Давронов (60 кг.), Улуғбек Толипов (65 кг.), Арслон Раҳимов (71 кг.) ва Аббос Тожиёв (77 кг.) биринчи ўринга сазовор деб топилди. Мусобақанинг 81 кило вазн тоифасида Нуробод тумани катнашчиси Музроб Элмирзаев 1-ўринни эгаллаб, мусобақанинг финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Голиблар Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг кубоги, 1-даражали дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Совринларни "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси вилоят бўлими раҳбари Б.Бердиқулов тантанали равишда топширди.

НАМАНГАН вилоятида спортнинг кураш тури ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда, тўрақўрғонлик полвонлар тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур туман азалдан ўзининг кураги ерга тегмай, вилоят, республика, қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришган полвонлари билан машҳур бўлиб келган. Улардан бири Тўйчибой Сиддиқовдир. У ўтган асрнинг иккинчи ярмида бутун Марказий Осиёда таникли курашчилардан бири саналган. Шунинг учун бугунги кунда қўллаб ёшлар унинг изидан бориб, миллий, юнон-рум, белбоғли кураш, дзюдо, самбо каби спорт турлари билан шуғулланмоқдалар.

— Тўрақўрғондаги болалар-ўсмирлар спорт мактабиде бугунги кунда уч мингга яқин ўғил-қиз таълим олмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси Исроил Жўраев. — Улар орасида белбоғли курашга меҳр қўйган ёшлар ҳам кўп. Мактабдан мазкур спорт тури бўйича қўллаб чемпионолар етишиб чиқмоқда. Ушбу таълим масканида нафақат тажрибали мураббийлар, балки малакали ҳакамлар ҳам етарли. Мактабнинг спорт иншоотларида мамлакат миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш имконияти яратилган.

Айнан мана шу шарт-шароитлардан келиб чиқиб, белбоғли кураш бўйича "Адолат кубоги"нинг вилоят босқичини Тўрақўрғонда ташкил этиш мақсада мувофиқ деб топилди. Ушбу беллашувларда шаҳар ва туманларда ўтказилган кўйи босқичи голиблари қатнашдилар. Уларнинг гиламда олиб борган бахслари вилоятда спортнинг белбоғли кураш турини янада оммалаштириш, иқтидорли полвонларни саралаш ва рағбатлантириш борасида қўллаб ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

"Адолат кубоги" мусобақасининг вилоят босқичида Наманган шаҳри ва тўққизта туман жамоаси вакиллари голиблик учун астойдил ҳаракат қилдилар. Хар бир вазн тоифасида навқон полвонлар ўртасидаги беллашувлар ўзининг муросасизлиги ва кескинлиги билан ажралиб турди. Шунинг айтиш кераки, дастлабки саралаш учрашувларидан кейинок мезонлар рақибларига қараганда хар жиҳатдан устун эканликларини кўрсатдилар. Тўрақўрғонлик ёш курашчиларнинг барчаси финал йўлланмасини қўлга киритгани эътиборга молик. Нафақат мутахассислар, балки мухлислар ҳам ёш полвонларнинг маҳоратига, техник ва тактик тайёргарлигига юқори баҳо беришди.

Ҳал қилувчи беллашувларда эса тўрақўрғонликларнинг рақиблари ҳам мусобақага пухта ҳозирлик кўрганини намойён этишди. Уйчи туманидан Абдулаҳад Носиров, Наманган шаҳридан Жамшид Ортиқалиев ва Поп тумани иштирокчиси Шохруҳ Раҳимов, Тўрақўрғон туманидан уч полвон — Жаҳонгир Хайитов, Бехзод Раҳматуллаев, Зиёдулла Турсунбоев ўз вазн тоифаларида шохушанинг биринчи поғонасини эгаллаб, мусобақанинг республика босқичига йўлланма олдилар. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин эса Тўрақўрғон тумани вакилларига насиб этди.

Голибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Adolat" мухбири,
Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

“Аҳмад ал-Фарғоний авлодлари”

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ташкил этилган нодавлат таълим муассасаси ана шундай номланди

Давоми.
Бошланғичи 1-бетада

Шу боис давлатимиз раҳбарининг қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги низом” асосида нодавлат таълим муассасаси ташкил қилишда амалий ёрдам сўраб Олтиариқ туманида ўтказилган сайёр қабулда Фарғона вилояти прокурори Садриддин Турдиевага мурожаат қилди. Албатта, вилоят прокуратураси томонидан унинг бу хайрли ташаббуси қўллаб-қувватланиб, янги муассасаси учун Олтиариқ педагогика коллежи билимининг бир қисми ва 120 ўринли

лар ва 2 тадан 4-8-синфларда 250 нафар ўқувчи 53 нафар устоз-мураббийлар (шундан 6 нафари Халқ таълими аълочилари) қўлида таълим-тарбия олмақда. Ҳар бир синфга 20 нафардан ўқувчи қабул қилинган. Эътиборлиси, ҳар куни соат 08:00да ярим соатлик бадантарбия ўтказилади. Кейин 5 соатлик дарс машғулоти давом этади. Нодавлат таълим муассасаси бўлгани учун уйдан қатновчи ўқувчилар 426.000 сўм, 80 нафар ётоқхонада яшовчилар 628.000 сўм миқдориди ойлик тўловни амалга оширишади. — Ёнг муҳими, ҳар чоракда ўқувчилар билимини синовдан ўтказиб, яхши ўзлаштирилмаганлари билан кўпроқ ишлаши-



тованинг дарсидамиз. Ўқитувчи болажонларни ўзига жалб қилиш учун дарсини шеърли мисралар билан бошлайди: *Менинг жажжи ва зукко ўқувчиларим, Жавдираб кўзимга боқувчиларим. Баъзида чуғураб қолувчиларим, Дилга илҳом ўтин солувчиларим. Ўзим ўрғинайини кўзларингиздан, Беғубор кулгучли юзларингиздан. Оғринманг, берсам мен даққи, Истагим билимингиз бўлмасин чакки.*

Бунга жавобан ўқувчилар жўр бўлишади: *Халқимиз хизматида бори бўламиз, Белдаги белбоғи, ори бўламиз.* Шундан сўнг дарс жараёни илғор педагогик услублар асосида давом этади. Умуман олганда, янги муассасида дарсларни ўзлаштиришга қараб 1-5-синфлар ўқувчилари “Мақтаб ифтихори”, 5-6-синфлар “Кўк билет”, 7-8-синфлар эса “Қизил билет” рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланади.

Бундан ташқари, “Аҳмад ал-Фарғоний авлодлари” мактаби ўқувчилари Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватан-

парвар” ташкилотининг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинган 5 та спорт-соғломлаштириш тўғралакларига жалб қилинган. Яқинда ушбу таълим масканида “Парашютдан сакраш” тўғралаги ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Чораклик таътиллаш мобайнида ўқувчилар учун вилоят музейлари бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. Қолаверса, 9000 та китоб фондига эга бўлган мактаб кутубхонаси ҳамisha ўқувчилар билан гавжум. Зеро, спорт ва маънавиятга ошно бўлган бола берилаётган билимларни пухта эгаллайди. Айни пайтда худуднинг 40 нафар боғча бормаган болалари тайёрлов синфларида мактабга тайёрланмоқда.

Дарвоқе, Президентимизнинг юқоридаги қарорига мувофиқ, нодавлат таълим муассасаси томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ ҳақининг 50 фоизи давлат томонидан тўлаб берилаётгани ҳамда муассасаси барча турдаги солиқлардан озод этилгани ҳам эътирофга молик.

Хуришд СУЛТОНОВ,
журналист



“Казинформ” хабар беришича, Қозоғистон президентидаги номзодлар кўрсатиш жараёни 2019 йилнинг 10 апрелидан бошланиб, 28 апрелгача давом этади.

Конунда назарда тутилган жамоат уюшмалари президентликка номзодни илгари суриш ҳуқуқига эга. Номзод сайловчиларнинг камида бир фоизи миқдорда имзо тўплаши лозимлигини, номзоднинг сайловли ташвиқоти 11 майдан бошланганини маълум қилди мамлакат марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Константин Петров.

Тожикистон Жаҳон банкидан Роғун ГЭСи қуриб битказилиши учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ёрдам сўради.

Миллий банк матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, Тожикистон Миллий банки раисининг биринчи ўринбосари Жамолддин Нуралиев Роғун ГЭСи “минтақа давлатлари арзон электр энергия билан таъминлаш йўлида” муҳим минтақавий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. У Жаҳон банки вакилларига мурожаат қилиб, Роғун гидроузели қурилиши бўйича лойиҳани ҳаётга татиқ этишда хорижий инвестицияларни жалб қилишга хисса қўшишга чақирди.

Молия вазирлиги хабарига кўра, Тожикистон шу кунга қадар ўзининг маблағлари ҳисобига Роғун ГЭСини қуриб келган. 2019 йилда мамлакат бюджетидан 2 миллиард 100 миллион сомони (222 миллион АКШ доллари) ажратилди. Утган йили гидроэлектр станция қурилиши учун 4,7 миллиард сомони сарфланган эди, шундан 3,4 миллиард сомони бюджет маблағлари ҳисобидан ва қолганлари эса 2018 йилда Тожикистонга ажратилган евробондлар ҳисобидан қопланган.

Роғун ГЭСи 6 агрегатдан иборат бўлади ва ишга туширилгандан кейин бир йилда 17 миллиард кВт энергия ишлаб чиқаради. Ҳукуматнинг фикрича, бу нафақат Тожикистонни арзон электр энергия билан таъминлаш, балки қўшни Афғонистон ва Покистонга электр энергияси экспорт қилишга имкон беради.

Reuters хабарига кўра, сайлов бюллетенларининг 96 фоизи ҳисоблаб чиқилганидан сўнг Исроилда бўлиб ўтган парламент сайловларида бош вазир Биньямин Нетаньяху раҳбарлик қиладиган “Ликуд” партияси олдинда бораётгани маълум бўлди. Партия вакиллари Кнессетдаги 37 та ўринни қўлга киритди.

Бош штаб собиқ бошлиғи Бени Ганцнинг мухолифатдаги «Кахоль-Лаван» блоки битта кам — 36 та мандатга эга бўлди. Маълумотларга кўра, «Ликуд» ва унинг ўнг марказ коалициядаги ҳамкорлари Исроил парламентидаги 120 та ўриндан 65 тасини эгаллайди.

Reuters хабарига кўра, 11 апрелда Ҳиндистон парламенти қўйи палатаси — Лок сабхга сайловларнинг 1-дораси 20 та штатда ва мамлакат билан қўшни худудларда бошланди. Унда асосий кураш иккита сиёсий куч: амалдаги бош вазир Нарендра Моди томонидан бошқарилувчи ҳуқумрон “Бхарати янати парти” ва Ҳиндистоннинг энг нуфузли клани Неру-Ганди вакили Рахул Ганди бошчилигидаги “Ҳинд миллий конгресси” ўртасида кечиси айтилмоқда. Асосий интрига Моди партияси 2014 йилдаги муваффақиятини қайтариб, Моди қаторасига иккинчи мuddатта бош вазир курсисини эгаллаш йўли-йўқлигидан иборат.

Овоз бериш 29 штат ва 7 та иттифоқдош худудда 11 апрелдан 19 майгача 7 босқичда ўтади. Сайловчилар қўлига сабабли овозларни ҳисоб-китоб қилиш 23 майда якунланиши кутилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Ток ўсимлиги антракноз касаллигига чалинганда унинг барча яшил қисмлари зарарланади.

Ток баргидаги доғлар

Токнинг барглари котиши мумкин, уларда кўпгаб думалоқ, майда, қизғиш доғлар пайдо бўлади, баъзи доғлар бир-бирига қўшилиб кетади. Вақт ўтиши билан доғлар нотўғри думалоқ, кўп қиррали шакл, ўртаси оқ куларанг тўси олади, атрофда қизғиш ёки қўнғир ҳошияси бўлади. Доғларнинг ўртаси қуриб тушган, баргда тешиклар пайдо бўлади. Ёш барглар касалликка ўта чидасиз, улар кўчи зарарланади ва новдаларнинг учи томонини қўйганга ўхшаб қолади. Томирлари зарарланган барглар қуриб, тўқилади.

Антракноз касаллигига қарши курашда, аввало, профилактикага эътибор бериш лозим. Хусусан, экиш учун фақат соғлом қаламчаларни ишлатиш, уларни экишдан олдин темир сульфатининг 10 фоизли ёки нитрафеннинг 3 фоизли эритмасига ботириш; янги тоқзорлар яратишда ниҳолларни ерости суви яқин жойларга эмаслик керак.

Антракнозга қарши қуйидаги фунгицидлардан қўлланлади: Бордо суюклиги (мис купороси бўйича 10-15 кг/га, 1% ли эритма), Вектра 10% сус.к. (0,3 л/га), оҳак-олтингургурт қайнатмаси (0,5-1%), темир купороси 53% э.қ. (30-40 кг/га, даракт кўртка ёйғунча ва ситидидаги тупроққа 2-3% ли эритма) ва Фоликсур БТ 22,5% э.к. (0,25 л/га). Тажрибаларда Альто Супер 33% э.к. (0,3 л/га), Импакт 25% э.к. (0,2 л/га), Вектра 10% сус.к. (0,3 л/га), Бампер 25% э.к. (0,25 л/га) ва Торсо 22,5% э.к. (0,15 л/га) фунгицидлари антракнозга қарши юқори (барг ва мевада 89,5%, пояда 95% гача) самара бергани кузатишган. Баҳорда ёш новдалар узунлиги 5-10 сантиметрга етганида ёки 2-3 та барг пайдо бўлиши билан бордо суюклиги ёки бошқа самарали фунгицид пурқаш ва касаллик ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, зарурат туғлиса, 7-10 ва 14-20 кундан кейин ишловни такрорлаш мақсада мувофиқдир.

Б.ХУЖАМУРАДОВ, Ф.ТУРҒУНОВ,
“Тошкент-Аэропорт” ўсимликлар карантини чегара маскани инспекторлари

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ...

Маърифат масканида аҳвол ўзгарадими?

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузурдаги жамоатчилик назорати гуруҳи номига фуқаролардан келган хат ва мурожаатлар асосида 2018 йилнинг ноябрь ойида Оққўрғон тумани 78-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги ўқувчиларнинг мактабни битирганларидан кейинги тақдирини ўрганиш мақсадида йўлга чиқдик. Ҳокимиятдан бизга туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга масъул ходим Ёруллоҳ Сарикўлов ҳамроҳлик қилди. Ўқув масканининг олд томони девор билан ўралган бўлиб, темир дарвоза тепасига кузатув камераси ўрнатилган. Атроф баннерлар билан безатилган. Мактабда тартиб-интизом қаттиқ экан-да, деб ўйладик. Ташқарида беш дақиқадан ортиқ кутдик. Дарвоза олдида кутиб олган ёш йигит бизни саволга тутди.

— Юқоридан “разрешения” ларингиз борми? Мактабимиз “закрытый” лигини биласизми? “Что”, сизларга “жалоб” тушдими? “Документ” ларингизни кўрсат бўладими? Узимизни таништирдик, хужжатларимизни кўрсатдик.

— “Давно бы так сказали”, — дея йўл бошлади у.

Мактабнинг олд қисми тозаллиги, ўқувчиларнинг серсаломлигини кўриб, хурсанд бўлдик. Қабулхона кирдик. Директор вазирасини бажарувчи Бахтиёр Сафаров жойида йўқ экан.

— Мен маънавият ишлари бўйича директор муовини Алишер Муҳаммадулов бўламан, — деди қабулхонада турганлардан бири. Алишер акадан 2015-2016-2017 ўқув йилларида мактабни битириб кетганлар ҳақидаги маълумотни сўрадик. Бизга тақдим этилган чала хужжатлардан нус-

ха олиб, мактаб худудини айландик. Аввал бинойидек қўрилган масканда камчиликлар кўзга ташлана бошлади. Аввало, ёнгина қарши жамланма кўтисиде синиқ белкуракдан бошқа нарса йўқлиги маълум бўлди. Спорт майдончасидаги жиҳозлар қийшайиб, яроқсиз ҳолга келган. Иссиқлик тизимидаги шиша тола қопламалари сочилиб ётибди. Учта ичимлик суви жўмрагидан сув оқиб ётганлиги ҳам бизни ажаблантирди. Болалар майдончасидаги сирпаниш мосламаси яроқсиз, ундан фойдаланган болаларнинг шикастанмаслигига кафолат йўқ. Чирган симёғочлар қийшайиб ётибди, ёриткичлар ишламайди. Мактаб худудидан чикиндилар ўз вақтида олиб кетилмаганидан атрофни бадбўй хид тутиб кетган. Ҳолатхона ҳақида гапирмасам ҳам бўлади...

Уч-тўрт хонадон мактабга, ё мактаб хонадонларга қўшилиб кетганим, ўртада девор йўқ. Кўчадан бирор кимса мактабга кирса, ёки ўйинқароқ ўқувчи кўчага чиқиб кетса, ҳеч ким билмайди. Мана, сизга мактабнинг “закрытый” лиги. Ён қўшнилари бир неча йиллардан бери мактабдан сув олиб, фойдаланар эканлар. Сув учун ўлчачи ўрнатилган-ўрнатилмаганини эса билолмадик. Ўрнатилган бўлса, бу қандай хотамтоўлиқ бўлди экан? Ёнгина қарши сув хавзаси тозаланмаган. Спорт залидаги 6 та матрасдан учтаси яроқсиз. Ечиниш хонаси қурилиш моллари омонхонасига айлантирилган. Машқдан сўнг ювниш хонаси йўқ. Биринчи қаватдаги ўқув синфлари йўқларни гард юқмаган, тоза. Иккинчи қаватда эса аҳвол гоят ачинарли. Биз мактаб худудига хужжат асосида зўрға кирган бўлсак, икки соатдан сўнг ёш қари дарвозадан бемалол кириб чиқаётганини кўриб, ҳайрон қолдик. Суриштирсак, “Мустақиллик” МФЙ идораси ихтисослаштирилган мактаб худудига жойлашган экан...

Ҳужжатлар асосида Оққўрғон, Қўйи Чирчиқ коллежларидаги юборилган битирувчиларнинг ҳаёти билан қизиқдик. Бизга берилган хужжатда мактаб битирувчиси Аббос Анорбоев Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежига юборилганлиги қайд этилган. Коллеж директори И.Раҳмонқулдовдан у ҳақда сўрадик. Ди-

ректор А.Анорқуллов бу ўқувчи ўзи раҳбарлик қиладиган коллежга хужжат топширмаганлигини айтди...

Демак, англашилди турибдикки, мактаб битирувчиларининг кейинги тақдирини билан боғлиқ масалалар ҳам кўнгулдагидек эмас.

2019 йил 14 февралда яна Оққўрғонга бориб, ишни “Мустақиллик” МФЙдан бошладик. Идоралар одам гавжум. Бир тарафда участка нозир, иккинчи тарафда маҳалла котибаси келаётган фуқароларни қабул қиладик. Маҳалла идорасининг мактаб худудига жойлашганлиги хусусида уларнинг фикрини сўрадик.

— Маҳалла идораси мисоли карвонсарой. Идорага ўз муаммоларини, дардларини айтиб, турфа кишилар чиқшади. Улар ўртасида ҳар хил тортишув, жанжаллар ҳам юзага келади. Мактаб ўқувчилари буларни кўрмайди, эшитмайди дейсизми? Албатта, бу нохуш ҳолатлар уларнинг тарбиясига таъсир этмасдан қолмайди. Идорамизни бошқа жойга кўчирилганини сўраб, ҳокимиятга мурожаат қилганимиз. Бу муаммо жорий йилда ҳал қилинади, — дейди маҳалла котибаси Камола Ғофурова.

Мактаб худудини айланиб юрганимизда, ўқитувчилардан бирини сўхбатга тордик. Ундан кейинги тўрт ойда мактабда қандай ўзгаришлар амалга оширилганини сўрадик.

— Раҳбарлардан сўранг, — деди у ва кейин исм-шарифини ошкор



ПУБЛИЦИСТИКА

Яқинда Жанубий Кореянинг "КБС" телекомпанияси Самарқандда миллий анъана ва қадриятлар ҳамда хорижда орттирган билим ва тажрибаларини ишга солиб, элга хизмат қилаётган тадбиркор юртдошимиз Қобилжон Саидахмедов ва унинг оиласи ҳақида фильм суратга олди.

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Фильм қахрамони — Қобилжон Саидахмедов қарийб ўн етти йилдан сўнг туғилиб ўсган юрти Жомбой туманининг "Сарой" қишлоғидаги оиласи бағрига қайтади. Ўн етти йил муқаддам кичкина жомадонини кўлиқлаб Жанубий Кореяга иш излаб кетган Қобилжон энди Самарқандга юрт манфаати учун ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириш мақсадида келди. Жанубий Кореянинг "Корея волнуд индустри" компанияси Қ.Саидахмедовга Самарқанд вилоятининг лалмикор, дашт худудларида интенсив ёнғоқзор барпо этиш бўйича қўшма корхона ташкил қилиш хусусида ўз ҳамкорлигини таклиф этди. Мазкур корхонанинг истиқболли ҳақида гапиришдан аввал Қобилжон Саидахмедов қандай қилиб Жанубий Кореянинг бизнес доираларини эътиборига тушгани ва у хорижда яшаб нималарга эришгани ҳақида қисқача фикр юритсак.

— Хорижда ўтган ҳар кун, ҳар ой, ҳар бир йил мен учун ўзлигимни англаш сари кўйилган синопатли қадамлар бўлди, — дейди суҳбатдошимиз Қ.Саидахмедов. — 2001 йил Сеулдаги Ён Се хорижий тиллар университетига ҳужжат топширган эдим, омадим чопиб, ўқишга қабул қилдим. Шундан сўнг ҳам ўқиш, ҳам сармоё топиш учун ишладим. Кабель заводиди, хусусий иссиқхоналарда сабаот этиштиришда, чикиндиларни қайта ишлаш корхоналарида сараловчи бўлиб меҳнат қилдим. Мухими, корейс тилини мукамал ўрганиб олдим. Тил билганим бизнес юртишимнинг бирламчи шарт бўлди. Кўп ўтмай чикиндиларни қайта ишловчи чоғроқ корхонага иш юритувчи қилиб тайинландим. Бу ерда бизнес юртиш масъулиятини ўргандим.

Қобилжон Саидахмедов шу тарихда хорижда ўн етти йил умргузаронлик қилди. Ўзбекистондан Жанубий Кореяга иш излаб борган ватандошларимизга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган марказ ташкилотчиси бўлди. Турли компанияларда, бизнес тузилмаларда меҳнат қилди. Сабаотчиликда, богдорчиликда корейс технологиялари билан чуқур танишди. Юқори ҳосилдорликка ва экспортга қайси йўللар билан эришиш мумкинлигини тушуниб этди. Ниҳоят Корея технологиясини Самарқандга кўчириш бўйича "Корея волнуд индустри" компанияси билан келишувга эришди.

— Қўшма корхонамиз учун Жомбой туманининг "Галакапа" қишлоғи худудидан ер ажратиб беришган, — дейди Қобилжон. — Биз бу ерда фермер ҳўжалиқлари учун ёнғоқ қўчатларини этиштириб берамиз. Билсангиз, ёнғоқчилик лалми ер учун қони фойда. Этиштираётган қўчатларимиз одатдаги навлардан 5-6 баробар кўп ҳосил беради. Агар миқозларимизни фармацевтика соҳаси учун ёнғоқ хомашёси этиштиришга ўргатолсак, даромад ўн баробарга кўпаяди, деяверинг. "Корея волнуд индустри" компанияси таъсисчиси жаноб Жон Ки Ун ёнғоқзорлардан айнан доришносликда фойдаланиши туфайли ҳар йили миллионлаб доллар қўшимча даромад топишига ўзим гувоҳ бўлганман. Чунки таркиби йод ва

эфир мойларига бой бўлган ёнғоқ фармацевтика учун муҳим хомашё ҳисобланади.

Қобилжон Саидахмедовнинг "Галакапа" қишлоғидаги ёнғоқ қўчатлари этиштирилаётган дала-сига Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан ўнлаб фермерлар келиб, қўчат харид қилиб, тадбиркордан маслаҳатлар олишмоқда. Қўшма корхона талабига кўра интенсив ёнғоқзор барпо этиш учун Наманган, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида 2 минг гектардан ер ажратилгани аграр соҳадаги янгилик қай даржада кенг қўлам ва аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Мазкур қўшма корхона республикамиз худудиди корейс технологияси асосида иссиқхоналар қуриш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштириш ташаббуси билан ҳам чиқмоқдаки, буни чинакам манфаатдорликка асосланган ҳамфикрлик, ислохотлар ривожига қўшилаётган муносив ҳисса, деб баҳолаш мумкин.

— Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонни тараққий эттириш йўлида хориждаги ватандошларимизни



ИККИНЧИ ҲИКОЯ

Хорижда ишлаб ўз юртига қайтиб келган яна бир ватандошимиз, олий тоифали врач Дилрабо Вафоқулованинг ҳаёти ҳам кўплар учун ибратли. Дилрабо Вафоқулова салкам 23 йил Самарқанддаги юқумли касалликлар шифохонасида меҳнат қилди. Самарқанд тиббиёт институтида талабаларга ўз соҳаси бўйича таълим берди. Лекин тақдир тақозоси билан беш йил муқаддам Санкт-Петербургга бориб, у ерда хусусий клиникага даволочи шифокор бўлиб ишга кирди. Ўтган беш йил ўзбек шифокорларининг малакали мутахассис, ҳозиржа-

дош шифокорни бефарқ қолдирмади. Ниҳоят у ўз истеъдодини юрт хизмати йўлида сарфлаш учун Самарқандга қайтди. Д.Вафоқулова вилоят перинатал маркази юқумли касалликлар бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди.

— Ҳар кунни бўлим ишини ташкиллаштириш билан бирга ўнлаб беморларни қабул қиламан, — дейди шифокор. — Уларга ташхис қўяман, даволайман, соғлом турмуш кечириш учун нималарга эътибор бериш зарурлигини ўқираман. Булар бир қарашда врач учун оддий ҳаёт ташвишларига ўхшаб кетади. Лекин бу ташвиш-

МУНОСАБАТ

Эзгулик куйчилари

Бугун Ер юзиди тараққийёт кучайган, илм-фан юксалган, барча муаммолар илғор технологиялар воситасида ҳал қилинаётган пайтда мамлакатимизда нима учун бахшичилик санъатига алоҳида эътибор қаратилмоқда? Бахшичилик санъатини ривожлантириш билан боглиқ ҳолда ўтказилган халқаро анжумани дунё аҳли эътироф этиб, қўллаб-қувватламоқда? Бу бежиз эмас. Бунинг сабаблари бор. Чунки инсоният ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг тафаккурига куч-қудрат берган, ҳаётни юксак тараққийёт нуқтасига олиб чиққан омилларга — адабиёт, санъат, маданият, тарихга алоҳида эътиром билан қарайди.



Мақшамбой УМАРОВ, шоир, оқин

Шунинг учун ҳам Президентнинг "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарориди "Хар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди — фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам толган бўлиб, улар миллиятнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади", дейлади. Шундай экан, бу ўринда бахши халқ оғзаки ижодининг яратувчисигина эмас, тарғиботчиси, ўлмас дostonларни, Алпомишу Барчиной, Гўрўғлю Юнуспари, Авазхон, Бозиргон, Кунтуғиш, Манас, Қиз Жибек, Едигей, Равшанхон қабилининг ибратли тарихи, тақдирини диллардан-дилларга, эллардан-элларга, тиллардан-тилларга етказувчиси ҳам ҳисобланади. Шу сабабли фольклор асарлари ҳам, унинг яратувчилари, ижрочилари ҳам ҳар қандай даврда эътибордан четда қолмаслиги керак. Қарорда бахшичилик санъатини янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганининг сабаби ҳам ана шунда.

Термиз шаҳрида халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши нафақат мамлакатимиз аҳлининг, балки дунё халқларининг кўнглидаги улғу иш бўлди. Бу анжуман она заминимиздаги халқ оғзаки ижоди намояндаларининг бахшичилик йўналишидаги вакилларини бир жойга тўплади. Фестиваль доирасида бўлиб ўтган бахшиларнинг айтишувлари, мусобақалар заминиди улар ўртасиди ўзаро ҳамкорликлар ҳам юзага келиши аниқ. Бошқача айтганда, бу анжуман турли қитъалар, мамлакатлар халқларига мансуб бадийи жамоаларнинг фольклори, миллий куй-қўшиқлари, ўланлари тимсолида башариятнинг тинчлик, тотувлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, маънавий қомиллик йўлида бирлаштиришга хизмат қилади.

Мулки Турон қадим-қадимдан бахшилар, оқинлар, шоирлар, манасчилар, жировлар, узанчилар юрти сифатида доврўқ қозонган. Мен шу юртда ўзбек шоири, қозоқ оқини сифатида танилдим. Ҳаётим, фаолиятим давомида кўнглимда бир орзу, ният бор эди. Шу юртда яшайдиган ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа халқлар вакилларидан иборат бахшилар тез-тез учрашиб турсалар, диллашиб, тиллашиб, ўзаро айтишувлар қилиб турсалар, қандай яхши бўларди, деб ўйлардим. Орзу-ниятларим амалга ошди. Термизда нафақат мулки Турон бахшилари, Ер юзи фольклори намояндалари учрашди. Бошланган ишлар хайрли бўлсин. Бахшилар эзгулик куйчилари ҳисобланишади. Эзгуликка хизмат қиладиган бундай анжуманлар ҳам давомли бўлсин.

ВАТАНГА ҚАЙТИШ

ёки хорижда умргузаронлик қилган юртдошлар ҳақидаги уч ҳикоянинг уч хулосаси

ҳамкорликка даъват этгани ва бу борада зарур қарор, фармонлар қабул қилгани мени беҳад тўлқинлантириб юборди, — дейди Қобилжон Саидахмедов. — Шу боис Ўзбекистонга қайтиб, бугун куч-қувватимни юрт ободлиги, равнақи учун сарфлашга аҳд қилдим. Энди менинг бизнесим, ғайратим, салоҳиятим аниқ мақсад йўлига қаратилганидан бахтиёрман.

Асли меҳнатсеварлик, элпарварлик, ростгўйлик ва ҳалоллик борасида ўзбек ва корейс халқларида ўхшаш фазилатлар бисёр. 2007 йилда Жанубий Кореяда бошланган кучли молиявий инқироз ва корейс халқининг бу ўқубатли синовдан чиқиш йўлидаги ҳамжихатлигига гувоҳ бўлганман. Ўшанда мен ишлаб турган "Кия" компанияси биринчилардан бўлиб касодга учраб, ўз ишчиларига маош тўлолмади қолди. Шунда корейс оилалари шахсий жамғармалари, тилла тақинчоқларини банкларга ўз ихтиёрлари билан топширганларини кўрганман. Иқтисодий инқироз қаршисиди ўз салоҳиятини йўқотиб қўйиши мумкин бўлган ватан тақдирини уларни айнан шундай олижанобликка даъват этган эди. Бугун Ўзбекистонда меҳнат қилиб, обрў топиб, даромад орттириб юрган ҳар бир инсон қониди айни шу фазилат гулуриб туришини истайман.

Чунки Ватанни танлашмайди, Ватанни Ватан қиладиган шу азиз тупроқда киндик қони тўкилиб улғайган инсонлар бўлади.

воб, дардкаш, бағрикенг, олижаноб инсон сифатидаги обрўини хориж клиникасида яққол намоян этди, десак сира янгилишмаймиз.

— Дастлабки пайтларда беморларга ташхис қўйишда баъзи ҳамкасбларим менга беписанд қарашган, даволаш усулларини салоҳиятим аниқ мақсад йўлига қаратилганидан бахтиёрман.

Дилрабо Вафоқулова одам-оқунглиги, зарур пайтда энг тўғри қарор қабул қила олиши, чуқур билим ва малакаси билан Санкт-Петербургдаги йирик клиниканинг "ўз одами"га айланди. Мазмурият унга кўпроқ маош тўлайдиган, талаб этилган иш шароитларини тўлиқ яратиб берадиган бўлди.

Лекин Россияда яшаб, тинчгина ишлаб, яхши даромад топиб юрган бўлса-да, Дилрабо туғилиб ўсган шаҳри Самарқанддан кўнгли узоқмасди. Хусусан, Ўзбекистонда фан, таълим, тиббиёт соҳаларида кейинги йиллардаги жиддий ўзгаришлар, қабул қилинган қарорлар хориждаги ватан-

лар замирида миллиятнинг соғлом генотипини яратиш мақсади муҳим касбимга масъулиятим янада ортади.

Хориждаги клиникада ишлаб, бир неча баробар кўп даромад топан ва зарур мавқега эришган Дилрабо Вафоқулова юрт қадрини, соғинчини ҳеч нарсага алмашиб бўлмастлигини таъкидлайди. Маҳалласидаги тоза суртилган, чеккасига райҳон ва туффа гуллар экилган, одамлар ҳар тонг саломлашиб ўтадиган йўлак тўғри ишхонасига олиб боради. Шу йўлакдан ширин ташвишлар билан одимлаш унга ҳар сафар Ватанни гўзал қиёфада кўришга, боғу бўстонларини ардоқлашга ундайди.

УЧИНЧИ ҲИКОЯ

Ҳикоямизнинг учинчи қахрамони билан тасодифан танишиб қолмаганида хориждан яхши ниятлар билан ўз юртига қайтган ватандошларимизнинг ибратли ҳикоялариға яқун ясамоқчи эдим.

...Мана, хориждан имкон излаб, бахт қилириб кечган ҳаёт ҳақидаги уч ҳикоя. Ҳаёт энг яхши муаллим, дейишади. Демак, бу муаллим сўнги дамларгача инсонга сабоқ беради. Ҳаёт кимнидир эътиқодсиз, бўм-бўш қалби билан ўзга манзилда мақолада яшашига изн беради. Кимларнингдир эса юрагида гурур уйғотиб, ихлос, эътиқодини чархлаб, она юртининг қорига ярашга ундайди. Ҳар сафар шундай одамларга дуч келганимда, "сиз менинг энг яқин дўстим, сирдоним, маҳалладошим ва ифтихоримсиз", дегим келади. Улар бугун ижоду изланишлардан тўхтамаган, эртаси янада саодатли, ойдin йўлининг йўловчиларидир.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, "Adolat" муҳбири

Донолар китоб ҳақида

Инсониятнинг бугун ҳаёти пайдар-пай китобда манзил топти: қабилалар, одамлар, давлатлар йўқ бўлиб кетди, китоблар эса қолаверади.

А.И.Герцен

Ҳар кунни жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан кўра қимматлироқ нима бор?!

А.Л.Гольтой

Китоблар донишмандликни ёйиш қуролидир. Я.Коецкий

Китобдаги қувонч ва изтиробларни ўқувчи ўзиники деб қабул қилсагина, ўша ҳақиқий асардир. Ў.Ҳошимов

Китоблар орзу-истак туғдиради, ҳаётга чорлайди, кишини фикрлашга мажбур этади, муҳокамаларда мустақил бўлиш қобилиятини тарбиялайди. С.Т.Струмилин

Самарқанд шаҳар, «Богдод» қўчаси 4-уй, 41-хонадонда яшовчи Нарзуллаева Махсуда Ахроровна номига берилган қандастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси тахририят ходими Зарафшон Қаландаровага отаси Матяқуб ҚАЛАНДАРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова

Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғоқ бичими А-2. Ҳаҳки — 4 босма тобов. Офсет усулида босилган. Бўғумга Г — 400. 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган. Тахририят манзили: 100043. Тахририят тўғрисида: «Шарқ тоғи» қўчаси, 23-уй. info@adolat.uz adolat@uz@mail.ru

НАШР ҚЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2071-5217

4772091521004

1 2 3 4 5